



RESEARCH
SUPPORT CENTRE

ISSN: 2181-1520

SJIF: 5.563

МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ИЖТИМОЙ
ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ

2021 2 (2)

JOURNAL

OF CENTRAL ASIAN
SOCIAL STUDIES

Бош муҳаррир: Усманова Ш.Р. *филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)*

Тахрир ҳайъати:

Тошқулов А.Ҳ.	<i>иқтисод фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон)</i>
Биннатова А.Қ.	<i>филология фанлари доктори, профессор (Озарбайжон)</i>
Мамаражабова З.Н.	<i>педагогика фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)</i>
Якубов С.Б.	<i>филология фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон)</i>
Кулжанова Б.Р.	<i>филология фанлари номзоди (Қозоғистон)</i>
Ҳамидов Х.Х.	<i>филология фанлари бўйича PhD (Ўзбекистон)</i>
Шофиев О.Б.	<i>филология фанлари бўйича PhD (Ўзбекистон)</i>
Мустафаева С.Т.	<i>филология фанлари бўйича PhD (Ўзбекистон)</i>
Дониёров А.Х.	<i>тарих фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)</i>
Мухамедов Н.А.	<i>тарих фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)</i>
Расулова Н.С.	<i>тарих фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон)</i>
Абдуллаев Н.А.	<i>сиёсий фанлари номзоди, доцент (Ўзбекистон)</i>
Пўлатова Д.А.	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор (Ўзбекистон)</i>
Иззетова Э.М.	<i>фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)</i>
Ульджабаев К.У.	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)</i>
Ёзиев Г.Л.	<i>иқтисод фанлари бўйича PhD (Ўзбекистон)</i>
Ярашова В.К.	<i>иқтисод фанлари номзоди (Ўзбекистон)</i>

Нашрга тайёрловчи: Исматуллаева Н.Р.

e-mail: jcass2020@mail.ru; web-site: www.orientalresearch.uz

Главный редактор: Усманова Ш.Р. *доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)*

Редакционная коллегия:

Тошқулов А.Х.	<i>кандидат экономических наук, доцент (Узбекистан)</i>
Биннатова А.Қ.	<i>доктор филологических наук, профессор (Азербайджан)</i>
Мамараджабова З.Н.	<i>доктор педагогических наук, профессор (Узбекистан)</i>
Якубов С.Б.	<i>кандидат филологических наук, доцент (Узбекистан)</i>
Кульджанова Б.Р.	<i>кандидат филологических наук (Казахстан)</i>
Ҳамидов Х.Х.	<i>кандидат филологических наук (Узбекистан)</i>
Шофиев О.Б.	<i>кандидат филологических наук (Узбекистан)</i>
Мустафаева С.Т.	<i>кандидат филологических наук (Узбекистан)</i>
Дониёров А.Х.	<i>доктор исторических наук, профессор (Узбекистан)</i>
Мухамедов Н.А.	<i>доктор исторических наук, профессор (Узбекистан)</i>
Расулова Н.С.	<i>кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)</i>
Абдуллаев Н.А.	<i>кандидат политических наук, доцент (Узбекистан)</i>
Пўлатова Д.А.	<i>кандидат философских наук, профессор (Узбекистан)</i>
Иззетова Э.М.	<i>доктор философских наук (Узбекистан)</i>
Ульджабаев К.У.	<i>доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)</i>
Ёзиев Г.Л.	<i>кандидат экономических наук (Узбекистан)</i>
Ярашова В.К.	<i>кандидат экономических наук (Узбекистан)</i>

Подготовила к редакции: Исматуллаева Н.Р.

e-mail: jcass2020@mail.ru; web-site: www.orientalresearch.uz

Editor-in-Chief: Usmanova Sh.R. *Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)*

Editorial Board:

Toshqulov A.H.	<i>Candidate of Economic Sciences, Associate Professor (Uzbekistan)</i>
Binnatova A.K.	<i>Doctor of Philology, Professor (Azerbaijan)</i>
Mamarajabova Z.N.	<i>Doctor of Pedagogical Sciences, Professor (Uzbekistan)</i>
Yakubov S.B.	<i>Candidate of Philological Sciences, Associate Professor (Uzbekistan)</i>
Kuljanova B.R.	<i>Candidate of Philological Sciences (Kazakhstan)</i>
Hamidov X.X.	<i>PhD in Philology (Uzbekistan)</i>
Shofiev O.B.	<i>PhD in Philology (Uzbekistan)</i>
Mustafaeva S.T.	<i>PhD in Philology (Uzbekistan)</i>
Doniyorov A.Kh.	<i>Doctor of Historical Sciences, Professor (Uzbekistan)</i>
Mukhamedov N.A.	<i>Doctor of Historical Sciences, Professor (Uzbekistan)</i>
Rasulova N.S.	<i>Candidate of Historical Sciences, Associate Professor (Uzbekistan)</i>
Abdullaev N.A.	<i>Candidate of Political Sciences, Associate Professor (Uzbekistan)</i>
Pulatova D.A.	<i>Candidate of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)</i>
Izzetova E.M.	<i>Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)</i>
Uldjabaev K.U.	<i>Doctor of Economics, Professor (Uzbekistan)</i>
Yoziyev G.L.	<i>PhD in Economics (Uzbekistan)</i>
Yarashova V.K.	<i>Candidate of Economic Sciences (Uzbekistan)</i>

For publication prepared by: Ismatullayeva N.R.

e-mail: jcass2020@mail.ru; web-site: www.orientalresearch.uz

МУНДАРИЖА

ФИЛОЛОГИЯ

Джаббаров Ш.Х.	Инглиз тилида вақтнинг концептуаллашуви	1-7
Narzullayeva Z.A., Kamolova I.A.	The concept of language as a basic concept of cultural linguistics	8-12
Xodjaeva N., Shevchenko E.V.	Stylization as a method of literary style	13-18
Tursunbayeva Z.R.	Tarjimada tarixiy stilizatsiya masalasiga doir	19-25
Умурзаков Р.	“Икки карра икки – беш” қиссасида давр ва руҳият	26-35
Мамуржонова Г.Р.	Модернистские тенденции в романе Дадзай Осаму «Закатное Солнце»	36-45
Хабибулина А.И.	Роль и место природы в романе Мурасаки Сикибу «Гэндзи Моногатари»	46-56
Шербоева Н.	Қадриятимизга айланган Шароф Рашидов	57-62

ПЕДАГОГИКА

Зайнобиддинов Д.К.	Регулирование физических нагрузок в процессе физического воспитания студентов	63-68
Султонов Б.А.	Машғулотларда футболчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш	69-74
Қаюмов Ш.А.	Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий компетентлигини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш	75-80
Irgasheva U.R.	Improving students' professional speech competence based on steam technologies in teaching English at technical universities	81-87
Khatamov Sh.V., Khatamova Z.T.	Solutions for the problems faced by teachers in teaching English language	88-94
Пулатова Н.Р.	Умумтаълим мактаб директорларини инновацион бошқарув компетентлиги методик моделини такомиллаштириш	95-104

ТАРИХ

Эркўзиёв А.А.	Бухоро хонлиги ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг хусусиятларига доир	105-109
----------------------	---	---------

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ВАҚТНИНГ КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ



Шерзод Халикулович Джаббаров

Кафедра муdiri,
Ижтимоий-гуманитар фанларда чет тили кафедраси,
Жиззах давлат педагогика институти,
sjabborov@mail.ru



<https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue02-a1>

Аннотация: Мазкур мақолада вақт концептининг лингвомаданий хусусиятларининг назарий жиҳатлари, вақтнинг когнитив асослари ҳамда вақт кечими атрибуциясининг барча маданиятларга хос ҳодиса сифатида тадқиқ қилинган. Шунингдек инглиз ва ўзбек тиллардаги вақтнинг лингвистик метафоралардан фойдаланишда фарқли жиҳатлари мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ментал, доминант, атрибуция, вақт концептосфераси, дуратив, темпорал, экспериенсир, аспектуал, темпорал ракурс, дейктик, вербал тасвир, концептуал метафора.

КОНЦЕПТУАЛИЗАЦИЯ ВРЕМЕНИ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Шерзод Халикулович Джаббаров

Заведующий кафедрой,
Кафедра иностранных языков социальных и гуманитарных наук,
Джизакский государственный педагогический институт,
sjabborov@mail.ru

Аннотация: В данной статье концепция времени исследуются с точки зрения лингвокультурных особенностей, когнитивной основы, признаков перехода времени на основе явлений, характерных для всех культур. В работе анализируются различные аспекты времени в английском и узбекском языках в использовании лингвистических метафор на основе примеров.

Ключевые слова: ментальный, доминантный, атрибуция, концептосфера времени, дуративная, временная, экспериментальная, аспектная, временная перспектива, дейктический, вербальный образ, концептуальная метафора.

CONCEPTUALIZATION OF TIME IN ENGLISH

Sherzod Khalikulovich Djabbarov

Head of the Department,
Department of Foreign Languages in Social Sciences and Humanities,
Jizzakh State Pedagogical Institute,
sjabborov@mail.ru

Abstract: The article dedicated to the research of the concept of time from the point of linguocultural characteristics and cognitive basis, signs of the transition of time based on phenomena characteristic of all cultures. The work analyzes various aspects of time in English and Uzbek languages in the use of linguistic metaphors based on examples.

Key words: mental, dominant, attribution, concept of time, durative, temporal, experimental, aspectual, temporal perspective, deictic, verbal image, conceptual metaphor.

Кириш

Вақт тушунчаси ментал тузилма сифатида хотира системасининг ишлашига боғлиқ. Бунда содир этилаётган воқеа-ҳодисалар, олинаётган маълумотларнинг вақт ёки маконда қай тарзда кечаётганлиги шаклланади. Шу нуқтаи назардан, М. Ламблаген ва Ф. Хамм вақтнинг когнитив асосларини қўйидагича кўрсатади: 1) вақт давомийлик белгиси; 2) темпорал перспектива: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон; 3) вақт кетма-кетлик (Lambalgen M., Hamm F., 2005:112).

Вақт ўзига хос жараён сифатида уч ўлчамли макон, яъни метафизикадан ташқарида тасаввур қилинадиган тушунча саналади. Вақт сўзи билан ифодаланадиган жараён субъекти сифатида ушбу дунёда мавжуд бўлган барча объектлар, ҳолатлар, ҳодисалар тушунилади. Воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги натижасида биз хусусий ҳодиса, воқеа, жараёнларнинг бир вақтда содир этилиши ёки узвийлигини аниқлаймиз (Падучева Е.В., 2004; 394).

Асосий қисм

Кундалик ҳаётимизда вақт тушунчаси ҳаракат кечими билан боғлиқ тарзда қабул қилинади. Вақт воқеа-ҳодисаларга нисбатан қиёсан олинади. Шунинг учун ҳам вақт тушунчасига олимлар парадоксиал нуқтаи назардан (Einstein 1961: 155–178; Gibson 1975,

1986; Lakoff & Johnson 1999) қарашади ва вақт концепти мавҳум тушунча сифатида талқин этилади. Қўйидаги инглиз тилидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

1. The passage of time
2. Time flows on forever
3. The time for a decision has arrived

Келтирилган биринчи мисолда вақт жисмоний ҳаракатнинг доминант белгиси (passage – кечим) сифатида тушунилади. Иккинчи мисолда flow феъли билан ифодаланган ҳаракат вақтга нисбат бериш маъносида акс эттирилган.

Вақт кечими атрибуцияси барча маданиятларга хос ҳодиса саналади. Шунинг учун ҳам вақт концептосфераси ва уни ташкил этувчи концептларни крослингвистик кесимда ўрганиш кенг миқёсларда олиб борилган. Жумладан, инглиз тили билан генетик қардош бўлмаган ва географик жиҳатдан яқин алоқадор япон (Shinohara 1999), хитой Chinese (Yu 1998), конго Chinese (Yu 1998) тиллари билан кенг миқёсда типологик тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотлар кўрсатадики, вақт тушунчасига қаратилган атрибуция лисоний нуқтаи назардан унверсал ҳодиса сифатида талқин этиш мумкин. Шунингдек, ҳар бир тилда вақт концептининг лекискалашиш ҳодисаси ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Бу маълум вақтни ифодаловчи тил бирликларининг, кўрсатгичларининг

Филология / Филология / Philology

темпорал ҳодиса сифатида ифодаланиши билан боғлиқ. Вақт концепти макон тушунчаси билан ҳам узвий алоқага эга. Қуйидаги мисоллар вақт концептининг маконга алоқадорлиги кўзга ташланади:

a. The relationship lasted a long time

b. He could only concentrate for short periods of time

Келтирилган мисолларда вақт концептини дуратив ҳодиса сифатида талқин этиш мумкин. Бу вақт ўлчамига физик жиҳатдан ёндашув бўлиб, long time (узоқ вақт) вақт кечимидаги дуративлик узоқроқ давомийликка эга бўлиши назарда тутилса, short time (қисқа вақт) дуративликни қисқа вақт амалда бўлиши назарда тутилади. Вақт кечимида дуративликнинг узоқ давом этишида ушбу кечимда иштирок этаётган ёки кузатувчи вазифасини бажараётган шахс нуқтаи назарида қаралади. Жумладан, вақт дуративлигининг узоқ кечими экспериенсир учун вақт кечими секин бораётгандек туюлиши мумкин. Вақт тиғизлиги ёки шошилинич пайтда вақт кечими тез кетаётгандек қабул қилиниши мумкин. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

a. Time seemed to stand still

b. The time flew by

Вақт концепти бевосита соат, минут, кун каби темпорал бирликлар доирасидаги таҳлили инсоннинг кундалик турмуш тарзининг бир қисми бўлиб, вақтдан фойдаланиш, уни моддий борлиқ сифатида талқин этилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари инглиз лингвомаданиятига хос бўлган темпорал жиҳатдан фреймлашган Christmas, a big game, boxing day каби воқеа-ҳодисаларда вақтни концептуаллашуви ўз ифодасини топса.

Албатта, мазкур тушунчалар ҳар бир лингвомаданиятнинг вақт кечими доирасида ўрнатилган муносабатлар, йиллар давомида шаклланган қадриятларнинг вақт кечимида ифодаланиши билан боғлиқ бўлиб вақтнинг концептуаллашганидан ва вақтга бўлган муносабатларнинг лингвомаданиятлашганлигидан далолат беради. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: 'Christmas is approaching'; 'We're moving up on the big game'; 'She finished the exam in two hours'; 'The train arrived at two o'clock';

Вақт концептининг лисоний ва фалсафий нуқтаи назардан синчковлик билан ўрганишга қаратилган иш Ж. Лакофф ва Жонсонларнинг концептуал метафора назариясида кўзга ташланади (Johnson 1987; Lakoff 1987, 1990, 1993; Lakoff & Johnson 1980, 1999). Унга кўра, вақт воқеа-ҳодисалар (бунда воқеа-ҳодисалар таққосланади) ўртасидаги муносабатларни мавҳумлаштириш натижаси, деб қаралади ва "intellectual achievement" (интеллектуал натижа) сифатида баҳоланади.

Маълум географик жой нуқтаи назаридан вақтга муносабат Pacific Standard Time бирикмасида ўз ифодасини топган. Мазкур тушунча Англиянинг Гринвич ғарбий ҳудудида стандарт вақт сифатида маълум. Америка қўшма штатларида эса Pacific Time номи билан аталади.

Инсон ҳаёти давомида турли қийинчиликларга, мушкул вазиятларга, баъзан азоб укубатларга дуч келади. Мазкур вақт оралиғи инглиз лингвомаданиятида living death ибораси билан юритилади.

Вақт концепти кўпгина бошқа темпорал тушунчалар билан ассоциатив муносабатга киришади. Шулардан бири long сифати саналади. Ушбу сифат

Филология / Филология / Philology

вақтнинг узоқ дуративлиги назарда тутилади: a long time; a long game; a long speech.

Ментал тасаввур орқали масалани ҳал этиш, янги вазифаларни ўрганиш, ҳаракатларни такрорлаш билангина турли вазиятларга оид ментал моделларини яратиш имконияти мавжуд (Evans, 2013:56). Жумладан, аспектual тадқиқда мазкур имконият фаол кўринишнинг (events, processes, states) вербал тасвири, режалаштирилган фиктив бошқаруви ижросини қайта ишлаб чиқувчи ёки йўналиш кўрсатадиган, референцияни ички ташкилий қисмини бир бутун сифатида юритиш учун мисол бўлиб хизмат қилади (Patard A, Brisard F., 2011:191). Шунингдек, воқеа-ҳодисаларнинг ифодаланишида тил бирликларнинг қўлланилиши инсон хотирасидаги маълумотларнинг ифодаланиш усуллари билан ҳам алоқадор ҳисобланади. Умумий планда, инсон хотираси узоқ давр ўтмиш ва яқин ўтмиш хотираларининг берилиш имкониятлари билан ўлчанади. Узоқ ўтмиш хотираси маълум вазият ва лавҳа сифатида семантик хусусият касб этса, яқин ўтмиш хотиралари бевосита иш-ҳаракати жараёни ва содир этилган воқеа-ҳодисаларнинг тўлиқ маълумотида акс этади. Шунинг учун ҳам, узоқ ўтмиш хотира концептуал ва энциклопедик билимни қамраб олади. Мазкур хотира маълумотларининг берилиши ўзига хос темпорал ва макон бирликларига ҳам эга бўлади. Темпорал бирликлар ўз навбатида феъл билан англашиладиган маънолар билан алоқадор. Семантик нуқтаи назардан баҳолаганимизда темпораллик ва аспектualлик вақт доирасида юзага келади. Ўтмишдаги бирор бир воқеа/ҳодисани тасвирлашимиз учун албатта вақт тушинчасига мурожат

қиламиз. Вақт билан алоқадор маънони ифодалашда қўлланиладиган тил бирликларининг грамматик ва семантик таркиби темпорал ва аспектual маъноларни ташкил қилади. Темпоралликни кўрсатувчи тил бирликлари воқеа/ҳодисаларнинг умумий кўринишини, яъни қай вақтда содир этилганлигини кўрсатса, аспектual маъно эса ўша вақт оралиғида содир этиладиган бўлак вазият ёки ҳодиса сифатида бериладиган маънолари билан алоқадор бўлиб, қўлланиладиган феълларнинг маъносига ва шаклларига тегишли саналади.

Вақт концепти инглиз тилида сўзлашувчиларда умумий ВАҚТ ЧЕКЛАНГАН РЕСУРС тушунчаси сифатида шаклланган бўлса-да, вақтнинг лингвистик метафоралардан фойдаланишда фарқ қилади. Мисол учун "Christmas is approaching" метафораси "approach" феълнинг замон ва макондаги ифодасини англатибгина қолмасдан, темпорал таҳлил натижасида воқеа-ҳодиса тўғрисидаги маълумотни етказиш, воқеа-ҳодисанинг нутқ жараёни билан алоқадор эканлиги тушунилади. "Вақт ҳаракатланувчи борлиқ" концептуал метафораси онгимизда ВАҚТ ва МАКОН доменларининг ўзаро алоқадорлиги борасидаги билим мавжудлигини англатади.

Вақт метафораларни ўрганиш борасидаги муҳим ишлардан бири сифатида Лакофф ва Жонсонларнинг тадқиқини келтириш мумкин. Муаллифлар инглиз тилида вақт билан алоқадор саккиз турдаги концептуал метафораларни аниқлашган: TIME AS A BOUNDED SPACE (i.e. A CONTAINER) (вақт чекланган макон, яъни контейнер). • TIME AS AN ENTITY MOVING TOWARDS

Филология / Филология / Philology

THE OBSERVER (вақт кузатвчи томон йўналган ҳаракатланувчи борлиқ). TIME AS A PURSUER (вақт тақибчи). TIME AS A CHANGER (вақт ўзгаришни таъминловчи). • TIME AS A RESOURCE (вақт ресурс). • TIME AS MONEY (вақт пул). • TIME AS AN OBJECT (вақт объект). • TIME AS A SUBSTANCE (вақт субстанция) ([http : //co](http://gsci.berkeley.edu/tar_gets/Time.html)

gsci.berkeley.edu/tar gets/Time. html).
Туркиялик тилшунос Ўзқалсикан концептнинг ментал намоёнини ифодаланишида концептуал метафораларнинг фарқлигини аниқлайди. Унинг фикрича лисоний метафоралар абстракт концепларни ифодаловчи терминологияга тегишлидир (Ozcaliskan (2003, 190 б). У лисоний метафоралар “абстракт тушунчаларни шакллантирадиган ва шу асосда шаклландиган билим механизмларидан бири” сифатида баҳолайди. Ўзқалсикан турк ва инглиз тилларида метафорик ҳаракатни ифодаловчи воқеа-ҳодисаларни тақослаб ўрганишга ҳаракат қилади. Хусусан, унинг тадқиқоти макондаги ҳаракатларнинг мақсадли ифодасини ўхшашлик ва фарқларини аниқлашга қаратилган. Унинг аниқлашича, вақт иккала тилда ҳам маконда ҳаракатланувчи ҳодиса сифатида концептуаллашади. ВАҚТ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ БОРЛИҚ (TIME AS A MOVING ENTITY) метафораси стационар кузатувчи қарашларига боғлиқ тарзда таҳлил қилинади. Ўзқалсикан ушбу метафоранинг икки хил вариантини аниқлайди: (1) кузатувчи ҳам ҳаракатланувчи вақт ҳам келажакка интилади, аммо кузатувчи стационар ҳолатда қолади, вақт эса олдинга интилади; (2) кузатувчи ва ҳаракатланувчи вақт ўзаро алоқадор ҳодиса сифатида баҳоланади. “Вақтнинг ҳаракатга келтирувчи” тушунчаси

иккала лингвомаданиятда турлича қабул қилиниши асосий фарқ сифатида кўрсатилади (Ozcaliskan 2003, 197 б).

Концептлар ментал борлиқ сифатида жамоавий ва индивидуал соҳага тегишли бўлиб, тилда маълум ифода усулларида амалга оширилади. Вақт концепти универсал семантик таркибга эга бўлиб, ҳар бир маданиятда ўзига хос индивидуал хусусиятлари билан ажралиб туради. Мазкур хусусиятлар вақт концептини шакллантирадиган турли концептуал метафоралар, фразеологик бирикмалар, лисоний бирликларда фақрланади. Таъкидланган концептуал метафоралар, фразеологик бирикмалар ўша маданиятга хос қадриятларни акс эттиради. Инглиз тилидаги фразеологик бириклар, ва концептуал метафоралар ғарб маданиятига хос жиҳатларни ўзида намоён этади. Масалан; The pursuit was a bit slow off the mark because the boss wasn't there to give orders.

Замонавий инглиз тилида “вақт” сўзи шахс кечинмаларини англатувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу айниқса good time, hard time каби бирикмаларда ўз ифодасини топади. Масалан:

1) sorry, " he said. "Appointments back up all day. The best time is the morning." # "I'll keep that in mind, "....;

2) Language couldn't touch me. Meanwhile, Dickhead was having a hard time tugging his cleaning rod out from the rifle's barrel....;

3) The story might have ended happily thus, but there were hard times ahead for Dirachnid-from the fruitless search for a second " Woolly Mammoth, "....;

Инглиз тилидаги hard time бирикмаси шахснинг маълум вақт жараёнидаги мушкул вазиятини

Филология / Филология / Philology

англатиш учун ҳам қўлланилади.
Масалан:

4) Sorry. I have a hard time sleeping at night. It reduces my powers of judgment. It means you're not predictable, and that people have a hard time understanding you, and that you're capable of almost anything, but at.....;

5) Mr. Hwang says, letting go. "I'm just giving you a hard time." # "I know," Henry says, his fingers tingling.....;

6) If it came on around here, we'd have a hard time locating it. Only one tower. Can't triangulate. "....;

7) That's Beryl. Of course, she wouldn't have had such a hard time if she didn't get into bed with every young asshole who ever stroked;

8) of us have a hard time figuring out why it matters whether or not we deal with our trash....;

Кўпгина ҳолларда тилнинг грамматик шакли семантик маъно ўзгаришида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан инглиз тилидаги time (вақт) сўзига –s кўплик шаклида умуман вақт билан алоқадор маъносини йўқотади ва воқеа-ҳодисаларнинг саналиш маъносини англатади. Таҳлил қилинаётган hard time бирикмасига – s кўшимчасининг қўшилиши орқали эса маълум мушкул ҳолатнинг давомийлигини ифодалайди. Масалан:

9) Thanks for getting us through hard times. You the King, man.

Malika's sense of humor had enabled him to survive through hard times. She could make a joke out of any situation;

10) Helps take the edge off, like a good joke in hard times.? A pause and then Dottie, with a bit of a flourish,.....;

11) Genevra inclined her head. "Life. Hard times. Bad times. Death, destruction, sorrow, pain. Much suffering.

Вақт тушунчасини тил нуқтаи назаридан таҳлил қилишда замонавий ёндашувлар асосида амалга ошириш муҳим омил саналади. Шунинг учун ҳам оламнинг лисоний харитаси масалалари, инсоннинг тил тадқиқотларидаги ўрни, тил тадқиқотларида тафаккур муносабати, маълум концептларни тиллараро чоғиштириш, миллий маданий хусусиятларига кенг эътибор қаратилади.

Вақтга бўлган муносабатнинг бу каби кўриниши турли тилларда ўзига хос бўлади. Темпорал ракурс ўхшаш бўлган кетма-кетлик вақт тушунчасидан фарқ қилади. Темпорал ракурс дейктик темпорал кўрсаткичларга нисбатан воқеа-ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлмаган хусусиятларининг воқеланиши деб тушунилади.

Вақт инсон организмнинг ўзи мослашиш имконига эга бўлган ҳамда жараён ва кечинмаларнинг онгли ва тажрибага асосланган маҳсули бўлиб, маълум тартибда амал қилади ва ўз муҳитига мос тарзда кечади (Lambalgen M., Hamn F., 2005; 10). Шу жиҳатдан қаралганда, бу жараён она тилининг маданий хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқликда амал қилишини кўрсатади.

Хулоса

Инглиз миллий асарларида, этнослаарида, лингвомаданиятда вақт тушунчасига бўлган қарашлар бошқа халқларникидан фарқ қилади. Таҳлиллар кўрсатадики, инглиз маданиятида вақт ўзига хос синхроник ҳодиса сифатида ўз ифодасини топади. Юқорида таъкидланган концептуал метафоралар, фразеологик бирикмалар ўша маданиятга хос қадриятларни акс

Филология / Филология / Philology

этиради. Инглиз тилидаги фразеологик бирликлар, ва концептуал метафоралар фарб маданиятига хос жиҳатларни ўзида намоён этиш билан фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Lambalgen M., Hamm F. The proper treatment of events. Blackwell Publishing Ltd., 2005. –261p.
2. Падучева Е.В. 2004 Динамические модели в семантике лексики М.: Языки славянской культуры, 2004. — 609 с.
3. Yu Ning. Metaphor, body, and culture: The Chinese understanding of gallbladder and courage. *Metaphor and Symbol*, 18(1), 2003. –P. 13–31.
4. Lakoff G., Johnsen M. *Metaphors we live by*. London: The university of Chicago press. 2003. -193p.
5. Evans V. *Language and Time // A Cognitive Linguistics Approach*. - Cambridge: Cambridge University Press, 2013. – 282 p.
6. Patard. A, Brisard F. *Cognitive Approaches to Tense, Aspect, and Epistemic Modality*. University of Antwerp. John Benjamins Publishing Company Amsterdam. 2011. -320 p.
7. O'zcaliskan S. Metaphorical motion in cross linguistic perspective: A comparison of English and Turkish. *Metaphor and Symbol*, 18(3), 2003. –P. 189–228.
8. Djabbarov, S. (2020). Article R?ddles - As An Independent Genre Of A Small Genre: Sh.X.Djabbarov1, I.T.Rustamov2, O.B.Mallaeva3 1 Jizzakh State Pedagogical Institute, Interdisciplinary social sciences and humanities, Head of the Department of Foreign Languages 2Jizzakh State Pedagogical Institute, Phd. Associate Professor 3Jizzakh State Pedagogical Institute, Teacher.3. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(13), 1-5.
9. Djabbarov, S. (2020). article Ingliz tilidagi frazeologik birliklarni o'zbek tiliga tarjima qilish muammolari: Ingliz tilidagi frazeologik birliklarni o'zbek tiliga tarjima qilish muammolari. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(68). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3429